

Атаба ибн Абу Суфён ўлим тўшагида



08:00 / 14.07.2020 1205

Атаба ибн Абу Суфён ўлими олдидан шундай деган эди: «Эй Миср аҳли, қиёматда уқубат бўладиган ишларни қилган эканман. Ўша пайтда бу ишларимга ажр-мукофот умид қилар эдим. Бугун эса улар учун бўладиган азобдан қўрқяпман. Қанийди охиратимни дунёга алишмаган бўлсам! Қанийди сизларни ислоҳ қиламан деб, ўзим фасодга учрамаган бўлсам! Мен сизлар учун Аллоҳдан мағфират сўрайман. Аллоҳнинг афви ва раҳмати ўртасида бахтсиз бўлган одам ҳалок бўлади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан